# ТИҚХММИда “ГАТ барча соҳаларга янгилик киритади (ГИС вводит новшества во все сферы)” мавзусида ОНЛАЙН ФОРУМ ўтказилади

Пекин шаҳрида 2019 йилнинг 31 октябрь куни “Ўрта Осиё ва Жанубий Кавказ мамлакатларини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги университетлари” концорциуми (КАСКАД) га раислик қувчи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ректори, проф. Ў.Умурзаков ва Хитойнинг йирик рақамли геоахборотлар технологиялари сохасидаги SuperMap International компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган.

SuperMap International компанияси (ARC Advisory-2019 хисоботига мувофиқ) ГАТ махсулотларини Осиё бозирига етказиб беришда катталиги бўйича 1-ўринни ва жахон бозорида эа 3-ўринни эгаллайди. Хозирда “КАСКАД” ва ТИҚХММИ Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ичида биринчи бўлиб SuperMap International компанияси билан меморандум имзолаган ташкилотлардан хисобланади. “КАСКАД” консорциуми ўзининг олдига қўйган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича таълим, илмий тадқиқотлар ва инновациялар сохаларида мухим бўлган миллий, худудий ва халқаро миқёсдаги мулоқотлар платформасини ривожлантиришда, биринчилардан бўлиб “SuperMap”, “КАСКАД” ва ТИҚХММИ хамкорлигида МДХ мамлакатларининг турдош ташкилотлари учун “ГАТ барча соҳаларга янгилик киритади (ГИС вводит новшества во все сферы)” мавзусида ОНЛАЙН ФОРУМ ташкил этмоқда (https://www.supermap.com/en-us/news/?38_2763.html).

**Форумнинг ўтказилиш вақти:**

-28 апрел куни соат 10.00 дан -12.10 гача рус тилида учта тақдимот;

-29 апрел куни соат 09.30 дан 17.30 гача инглиз тилидаги амалий машғулотлардан иборат.

Мазкур форумда Ўрта Осиё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) , Жанубий Кавказ (Озарбайжон, Арманистон, Грузии), Россия, Беларусия, Украина мамлакатларининг вакиллари иштирок этади. Қизиқувчиларни ушбу форумда иштирок этишга таклиф қиламиз.

ОНЛАЙН ФОРУМ SuperMap International компаниясининг қуйидаги сайтида жойлаштирилган: https://www.supermap.com/en-us/news/?38_2763.html

**Қўшимча маълумотлар:**

Zoom дастурини юклаш (барча терминаллар учун): https://zoom.com.cn/download

Онлайн форумга боғланиш

https://zoom.com.cn/webinar/register/WN_MJbO-wPjQWieLEPeS3wWeQ

**Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Т.Султанов**